

**“УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ
ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ: РЕАЛ АМАЛИЁТ ВА
РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ” МАВЗУИДАГИ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛИ (27 апрель – 12 май 2016 й.)**



Пўлат НАЗАРОВ

доцент

педагогика фанлари номзоди

Самарқанд давлат тиббиёт институти

pulat.nazarov@rambler.ru

**ТИЛ ЎРГАТИШДА «CASE STUDY» ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН
Фойдаланиш**

Мазкур мақола инновацион таълим технологиялари орқали чет тили ўқитишни ташкил этиш масаласига бағишланган. Мақолада немис тили дарсларида “Case-Study”дан ҳам таълим технологияси, ҳам алоҳида олинган интерфаол ўқитиш методи сифатида фойдаланиш борасидаги фикрлар баён қилинган. “Case” мавзуси сифатида немис ёшлар тили танлаб олинган.

Эта статья посвящена проблемам инновационной технологии обучения иностранным языкам. В статье рассматривается «Case-Study» как образовательная технология, так и как отдельный интерактивный метод в изучении немецкого языка. Материалом данного исследования является немецкий молодежный жаргон.

This article is devoted to the problem of innovative educational technology in foreign languages teaching. There are some conclusion about using „Case study“both as an educational technology and a special interactive method in German learning there. As the theme of „Case study“has been taken german youth slang.

Калит сўзлар: таълим технологиялари, инновацион таълим, ўқитиш методлари, интерфаол методлар, “Case” босқичлари, “Case”дан фойдаланиш, баҳолаш.

Ключевые слова: технологии обучения, инновационное обучение, методы обучения, интерактивные методы, этапы организации “Case-Study”, употребление “Case-Study”, оценивание.

Key words: educational technology, innovative education, teaching methods, interactive methods, The phases of „Case-Study“, Usage of „Case study“, assessment.

Таълим олиш даври, таълим олиш шарт-шароитларига мос равишда таълим технологияларидан ҳамда таълим методларидан фойдаланиш талаб этилади. Шу боис илгари таълим тизимимизда кенг қўлланилган “грамматика

–таржима методи, онгли қиёслаш методи бугунги кун талабларига мувофик келмай қолди. Фан-техника жадал суръатларда ривожланаётган XXI асрга келиб, ўқитишда ҳатто аудио-визуал методлар, коммуникатив методикадан ҳам самаралироқ бўлган ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчилар орасидаги ўзига хос “тўсиқ”ларни бартараф этувчи интерфаол услублар таълим бериш жараёнидаги етакчи методика вазифасини ўтамоқда.

Интерфаол таълим технологиялари ёрдамида таълим олувчиларнинг билиш фаолияти кенгайди, уларнинг индивидуал ва ҳамкорликда ишлашларига, индуктив ва дедуктив хулоса чиқаришларига имкон яратилади. Энг асосийси, бундай таълим технологиялари натижасида таълим олувчиларнинг танқидий фикрлаши ўсиб боради. Таълимни интерфаол тарзда ташкил этишда бугунги кунда “ақлий ҳужум”, “кластер”, “интервью”, “блиц сўров”, “венн диаграммаси” каби таълим методлари кенг қўлланилмоқда. Юқорида қайд этилган таълим методларини ўқитишда “Case” интерфаол услуби ҳам таълим жараёнининг барча соҳаларида самарали қўлланила бошланди.

Муаммоли таълимдан фарқли равишда “Case-Study” (инглизча “case” – вазият, ҳодиса, ҳолат, иш(4, 115) “study” – ўқимок, ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ, қараб чиқмоқ(4, 714) тушунчаси аниқ вазиятларни ўрганиш маъносини англатади. Бу тушунча ҳозирги кунда ҳам таълим технологияси, ҳам ўқитишнинг алоҳида олинган интерфаол услуби сифатида қаралмоқда. Бу тушунча бирор-бир жараённи босқичма-босқич тадқиқ қилишни ўзида ифода этса, у технология ролини бажаради, агар ўқув жараёнидаги муайян мақсадга эришиш учун қўлланилса, у ўқув услубига айланади.

“Case-Study” дастлаб бизнес мактабларида, кейинчалик эса менежмент тизимида, педагогика ва психология соҳаларида самарали қўлланила бошлаган. Эндиликда мазкур таълим технологияси деярли барча таълим соҳаларида ишлатилмоқда.

Албатта, чет тилларни ўрганишда ҳам “Case-Study” таълим технологиясидан фойдаланишнинг ижобий томонлари кўп. Айнан мазкур технология асосида кичик гуруҳларда ёки жамоавий ишлаш, индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграциясига эришиш, гуруҳлардаги фикрларни жамлаш ва таҳлил этиш имконияти кенгайди. Бу таълим технологиясидан чет тили дарсларида самарали фойдаланиш учун эса чет тили ўқитувчисидан аниқ вазият бўйича “Case”ни мукамал ишлаб чиқиш ва ундан дарс жараёнида оқилона фойдалана олиш талаб этилади.

Чет тилларни ўқитиш ва ўргатишда “Case”нинг муаммоли таҳлил таҳлил тури асосида вазиятдаги муаммоларни таснифлаш, шакллантириш ҳамда муаммоларга нисбатан тегишли хулоса чиқариш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Қуйида биз немис тили дарсларида “Ёшлар тилининг ишлатилиши” мавзусини ўрганишда қўллаш мумкин бўлган “Case”га мисол келтирамиз.

1-босқич: “Case” билан танишув (3-5 дақиқа).

Disco-Dialooch

Bisd aa wieder doo?
Bin erschd kumma.
Wolld erschd goornedd kumma.
Bin aa erschd kumma.
Hobbd i glei wider steh sehng.
Hm.
Willst aara Kibbm?
Naa. Dussmer oogwehna good.
So. Bisd unter der Wochn aa doo?
Doo mussi erwern.
Fraali. Supper. Echd. Der Hipbhobb, odder?
Desses Techno.
Dechno, wergli? Subber. Echd. Wahnsinn. Gehd scho.
Gruufd subber, des Dechno. Wossis?
Doo is Bebb un Bauer drin. Vos? Versteh kann Doon.
Iech sooch blob, doo is Bebb und Bauer drin.
Loogisch. A Haufn Debbm un Bauern drin.
Echd. Wahnsinn. Die Härde.

2-босқич: “Case”даги асосий муаммони ажратиш (индивидуал ва жасмоавий тарзда, 5 дақиқа).

Was ist Hauptproblem? (Was haben Sie unter diesem Gedicht verstanden?)

3-босқич: гоёлар йиғиш, муаммо ечимини излаш (20 дақиқа). Бу босқичда дастлаб кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда муаммога доир гоёлар тўпланади ва улар асосида муаммо ечими изланади. Мазкур босқичда талабаларга ўқитувчи қуйидагича саволлар билан мурожаат қилиши мумкин:

Wer sind die Hauptfiguren? / Асосий қахрамонлар кимлар?

Wie alt können sie sein? / Улар неча ёшда бўлишлари мумкин?

Was für Sprache haben Teenager? / Ўсмирлар қандай мулоқот тилига эга?

Worum geht die Rede in diesem Gedicht? / Шеърда нима ҳақда гап бормоқда?

Ist die Sprache der Jugendlichen verständlich? / Ёшлар тили сиз учун тушунарлими?

4-босқичда талабалар томонидан кичик гуруҳлар тақдимномаларига асосан муаммо ечимига доир тақдим этилган гоёлар жамланади, таҳлил этилади ва баҳоланади (40 дақиқа).

Ва ниҳоят, *5-босқичда (10-12 дақиқа) муаммо ечими дастлаб талабаларнинг ўзидан талаб этилади.* Агар муаммо ечимини топишда талабалар қийналса, у ҳолда ўқитувчи уларга ёрдам беради. Бунда дастлаб тақдим этилган “Case”нинг немис адабий тилидаги варианты берилди. Юқорида ёшлар тилида баён қилинган “Disco-Dialooch” матнининг немис адабий тилидаги кўриниши қуйидагича бўлади:

Bist du auch wieder da?

Ich bin erst gekommen.

Ich wollte erst nicht kommen.
Ich bin erst gekommen.
Hab ich gleich stehend sehen.
Ja.
Willst du auch eine Zigarette?
Nein, ich tue es mir nicht gerade.
So. Bis du unter der Woche auch da?
Da muss ich arbeiten.
Super. Echt. Ausgezeichnet, oder?
Desses Techno./ Dieses Techno.
Techno, wirklich? Super. Echt. Wahrheit.
Geht ach so.
Die Techno macht Spaß.
Was ist?
Das ist lustig und energisch.
Was? Ich verstehe keinen Ton.
Ich suche bloss, da lustig und energisch ist.
Logisch. Hier sind nur Idioten und Bauern.
Echt. Wahrheit. Das ist verrückt.

Муаммо ечимини аниқлаш мақсадида ўқитувчи талабаларга “Wie meinen Sie, ist die Jugendsprache nützlich?” (“Сиз қандай фикрдасиз, ёшлар тили фойдалими ёки йўқ?”) деб мурожаат қилиши ҳам мумкин.

Мазкур “Case”ни дарсда қўллаш орқали ўқитувчи:

- талабаларга немис ёшлар тилининг тузилиши, қўлланилиш доираси борасида маълумот беради;
- немис ёшлар тилини немис адабий тилидан фарқини кўрсатади;
- талабаларни дарсда фаол иштирок этишга ундайди;
- талабалар билан ишлашнинг индивидуал ва жамоавий шакллари мужасамлаштиради.

Ўз навбатида, талабалар мазкур матнни дарсда “Case” интерфаол услуби бўйича таҳлил этиш орқали немис ёшлар тилининг ўзига хос хусусиятларини, яъни ёшлар тилининг шевага, маҳаллий турмуш тарзига, ўсмирлар ёшига, уларнинг ижтимоий ҳолатига боғлиқ бўлиш хусусиятларини билиб оладилар. Бундан ташқари, уларда яна немис ёшлар тилининг тузилиши тўғрисида тушунчалар пайдо бўлади.

“Case”дан дарс жараёнида янада самарали фойдаланишда талабалар билимини текшириш ва баҳолаш учун, бизнингча, ассессмент ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай ассессментда талабаларнинг мазкур “Case” бўйича фикр-мулоҳазалари ўрганилади ҳамда уларга мавзу юзасидан тегишли тестлар берилади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай “Case” ҳар бир талабанинг мустақил фикрга эга бўлиши, муаммо ечимини топиш учун ҳамкорликда фаолият

юрителиши, немис тили ички ўзгаришларига муносабатини шакллантирар экан, дарсни ноанъанавий тарзда, қизиқарли ва жонли ўтишини кафолатлайди.

Бундай “Case-Study” таълим технологиясини самарали қўллаш учун таҳсил олувчиларнинг билим даражаси камида А 2 даражасида бўлиши, чет тили ўқитувчиси эса турли ҳаётий вазиятлардан дарс жараёнида унумли фойдалана олиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов М., Бегалов Б., Бегимкулов У., Мамаражабов М. Ахборот технологиялар. – Т.: “Ношир”, 2009.
2. Бегимкулов У. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Фан, 2007.
3. Ishmukhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar (ta’lim muassasalari pedagog o’qituvchilar uchun amaliy tavsiyalar). – Т.: “Iste’dod”, 2008.
4. Müller V.K. English-Russian dictionary. – Moscow, 1985.